

**“ЎЗАГРОЭКСПОРТБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ БАЁННОМАСИДАН
КЎЧИРМА**

2021 йил “11” Октябрь
соат _____

№ 10

Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 79А-уй,

Кун тартиби:

**“Ўзагроэкспортбанк” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви аъзолари
таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида**

Кун тартибидаги масала юзасидан банк Бошқаруви раиси Н.Р.Алимов банк Бошқаруви аъзоси, Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларини бошқариш маркази директори Машарипов Санъат Анназарович томонидан 2021 йил 11 октябрдан ўз хохишига кўра лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги ариза берганлиги (ариза илова қилинади) ҳамда Банк бошқаруви аъзолигига “Ўзагроэкспортбанк” АТБ Бош бухгалтери Б.Б.Қосимовни тавсия қилишини банк Кузатув кенгаши аъзоларига маълум қилинди.

“Ўзагроэкспортбанк” АТБ Уставига асосан банк Бошқаруви раиси ва Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган.

Шу муносабати билан С.А.Машариповни Бошқарув аъзоси сифатидаги ваколатини муддатидан олдин тугатиш таклифи билдирилди.

Банк Кузатув кенгаши томонидан билдирилган таклиф бўйича қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб кун тартибидаги масала юзасидан банк Кузатув кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

1. “Ўзагроэкспортбанк” АТБ Бошқаруви аъзоси Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларини бошқариш маркази директори С.А.Машариповнинг 2021 йил 11 октябрдаги аризаси маълумот учун қабул қилинсин ҳамда уни Бошқарув аъзолиги ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

“Ўзагроэкспортбанк” АТБ Бошқаруви аъзолигига “Ўзагроэкспортбанк” АТБ Бош бухгалтери Б.Б.Қосимов тайинлансин ва у билан амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома тузилсин. Шунингдек номзод лавозимга киришишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиши таъминлансин.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш банк Бошқаруви раиси Н.Р.Алимовга юклатилсин.

Мажлис котиби

2021 йил «11» Октябрь



Ж.С.Юнусходжаев